

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

РАҲМАТОВА ГОВҲАР ОМОНОВНА

**«ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК»ДАГИ ШЕЪРЛАР:
МАТН ВА УНИНГ ТАЛҚИНИ МАСАЛАЛАРИ**

24.00.04 – Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
philological studies sciences**

Раҳматова Говҳар Омоновна

«Девону луғати-т-турк»даги шеърлар:

матн ва унинг талқини масалалари 3

Раҳматова Говҳар Омоновна

Стихи в «Дивани луғати-т-турк»:

вопросы текста и его интерпретации 23

Rakhmatova Govkhar Omonovna

Poems in «Divani lugati-t-turk»:

questions of the text and its interpretation 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

РАҲМАТОВА ГОВҲАР ОМОНОВНА

**«ДЕВОНУ ЛУҒАТИ-Т-ТУРК»ДАГИ ШЕЪРЛАР:
МАТН ВА УНИНГ ТАЛҚИНИ МАСАЛАЛАРИ**

24.00.04 – Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil772 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.iiaw.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Омонов Қудратилла Шарипович
филология фанлари доктори, профессор

Шодмонов Нафас Намозович
филология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги БИММ платформасидаги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 244-00-56; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: info@iiaw.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 244-00-91; факс: (99871) 244-00-65; e-mail: info@iiaw.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

З.М.Исламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Н.А.Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик кенгаш котиби, тарих фанлари доктори (DSc), доцент

Н.Ғ.Низомиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор в.б.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон туркологиясида Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий каби адибларнинг асарларини ўрганиш катта аҳамият касб этади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари умумтуркий маданият ва бадиий тафаккурни ўзида акс эттирувчи халқ оғзаки ижоди намуналарини жамлагани боис унга қизиқиш катта. Асар арабларга, қолаверса, бутун ислом оламига туркий тил, туркий халқларнинг маданияти, урф-одати, турмуш тарзи, бой адабий мероси, халқ оғзаки ижоди ҳақида маълумот беришни кўзлаб ёзилгани учун бугунги кун туркологиясида асарда келтирилган шеърлар туркий халқлар муштарак бадиий мероси сифатида эътироф этилмоқда. Шу боис туркий илк ислом даври адабиётшунослигида туркий халқлар оғзаки ижодига муносабат масаласи ҳозирда ҳам долзарб саналади.

Дунё туркологиясида «Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърлар тематикаси, вазни, поэтикаси бўйича тилшунослик ва адабиётшунослик тадқиқотлари олиб борилган. Бугунги кунда Россия, Германия, Туркия каби қатор давлатлар олимлари томонидан «Девону луғати-т-турк»даги шеърлар тузилиши, вазни, тематикаси ҳамда жанр хусусиятлари борасида амалга оширилган тадқиқотлар асардаги шеърларнинг бадиий қиймати ва ўзига хос услубга эга эканлигини кўрсатади. Асардаги тўртликлар текстологияси, улардаги семантика ва поэтика масаласи, вариация ҳодисаси, тўртликларнинг кейинги давр туркий ёзма адабиёти таъсирига бағишлангани мазкур илмий изланиш соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар салмоғини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган эътибор Учинчи Ренессанс даври учун пойдевор вазифасини ўташга хизмат қилмоқда. Шундай ишлар сирасида ўзбек туркшунослигини ривожлантириш билан боғлиқ манбашунослик тадқиқотлари салмоғининг ортиб боришини эътироф этиш жоиз. Қадимги туркий халқлар бадиий тафаккури ва маданий-маънавий меросининг аҳамиятини кўрсатишда туркий халқлар оғзаки ижоди намуналарини изчил тадқиқ қилиш муҳим. Ҳозирга қадар туркий оғзаки шеърят адабиётшунослик аспектидаги ишларга жалб этилган бўлса-да, матншунослик ва манбашунослик доирасида яхлит ўрганилмаган. Шу маънода, мазкур диссертация айти йўналишдаги муҳим ишлар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асари шу кунгача турк, инглиз, рус, ўзбек, қозоқ, форс, уйғур, озарбайжон тилларига таржима қилинган¹. Бу эса, асарнинг дунё миқёсида кенг ўрганилишига асос бўлди. Асарда келтирилган шеърӣ узиндилар бўйича адабиётшунослик, тилшунослик нуқтаи назаридан жаҳон ҳамда юртимиз олимлари муҳим илмий-назарий қарашларини илгари сурганлар.

«Девону луғати-т-турк» асари бўйича Ғарб олимларининг олиб борган тадқиқотлари муҳим. Бунга мисол қилиб, В.Бартольд, И.Крачковский, Н.Баскаков, С.Малов, А.Кононов, И.Стеблева, А.Шербак ва бошқа олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин².

Туркиялик тадқиқотчилардан Б.Кўксел, Т.Талат, Э.Терес, Ш.Улкуташир, М.Аккайя ва бошқаларнинг тадқиқотларида³ асар ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Араб тилшунослигида «Девону луғати-т-турк» асари бўйича А.Закриё, доктор С.Ҳодий Ҳасан, Ф.Гуанбин, А.Шарқавий, З.Муозлар тадқиқот олиб борганлар⁴.

¹ Kilisli R. Divānu Lugati't-Türk. 3 cilt. 1-2-cilt. – İstanbul: Matbaa-i Amire, 1915. 3-cilt. – İstanbul: Matbaa-i Amire, 1917; Atalay B. Divanü Lügat-it Türk Tercümesi. 3 cilt. – С. 1, 2, 3. – Ankara: Alâeddin Kırал Basımevi, 1939, 1940, 1941; Маҳмуд ал-Кāшғарӣ. Compendium of the turkic dialects (Dīwān Luḡāt at-Turk). Edit and Translated with Introduction and Indices by R.Dankoff, J.Kelly. – P. I-III. – Harvard, 1982, 1984, 1985; Маҳмуд Кāшғарӣ. Дивāну луғати-т-турк (Свод тюркских слов). Перевод на русский язык с комментариями: А.Рустами. В 3-х т. – Ташкент: Mumtoz so'z, 2017, 2018; Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғотит турк). Таржимон ва нашрга тайёрловчи: С.Муталлибов. 3 томлик. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси, 1960, 1961, 1963; Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк). 3 жилдлик. Нашрга тайёрловчилар: А.Рустамов, Ҳ.Болтабоев, Б.Исабеков. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2016; Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017; Маҳмуд ал-Кāшғарӣ. Дивāн Луғāt ат-Турк. Перевод, предисловие и комментарии З.-А.М.Ауэзовой. Индексы составлены Р.Эрмерсом. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005; محمود بن الحسين ۱۳۸۳ تېرىز: اختر، – تېرىز: صديف. – دكتور حسين محمدزاده صديف. ديوان لغات الترك. برگردان به فارسی: دکتر حسين محمدزاده صديف. – تېرىز: اختر، ۱۳۸۳ «Divanü lügat-it-türk» əsəri. – Bakı: MBM, 2008. Mahmud Kaşğari. «Divanü Lügat-it-Türk». Dörd cildde. I-IV cild. Tərcümə edən və nəşrə hazırlayan R.Əskər. – Bakı: Ozan, 2006.

² Крачковский И. Очерки по истории русской арабистики. Избранные сочинения. – Т. V. – Москва-Ленинград: Академия наук, 1958; Бартольд В. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов // Сочинения. – Т. V. – Москва: Наука, 1968; Баскаков Н. Введение в изучение тюркских языков. – Москва: Высшая школа, 1969; Малов С. Памятники древнетюркской письменности. – Москва-Ленинград: Академия наук, 1951; Кононов А. История изучения тюркских языков в России [Текст]: Дооктябрьский период. – Ленинград: Наука, 1972. Махмуд Кашгарский и его «Дивану лугат ит-турк» // Советская тюркология. – №1. – Баку, 1972. – С. 3-17; Стеблева И. Поэзия тюрков VI–VIII веков. – Москва: Наука, 1965; Щербак А. Грамматика староузбекского языка. – Москва-Ленинград: Академия наук, 1962. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Ленинград: Наука, 1970.

³ Köksel B. Divanü lügati't-türk'te yer alan efsaneler // The Journal of International Social Research, 2009. Volume 2/9. – S. 262-269; Talat T. XI. Yüzyıl Türk Şiiri: Divanü Lügati't Türk'teki Manzum Parçalar // Türk Dil Kurumu. – Ankara, 1989; Teres E. Divanü Lügati't Türk'ten Seçmeler. – İstanbul: Timaş Yayınları, 2006; Ülkütaşır Ş. Kaşğarlı Mahmut: Büyük Türk Dilcisi: Hayatı, Şahsiyeti, Divanı. – Ankara: Türk Dil Kurumu, 1946; Akkaya M. Divanü Lügati't Türk'teki Türk Halk Edebiyatı Örnekleri. – İstanbul, 1949.

⁴ «ديوان لغات الترك»: لينة التواصل بين العرب والترك. مترجم: احمد زكريا. – مصر، 2019؛ أ.د. سعد هادي حسن ارحيم الطائي. أثر اللغة العربية في مصنفات الادباء من غير الناطقين بها «ديوان لغات الترك» لمحمود الكاشغري // المؤتمر الدولي السابع للغة العربية. – دبي، 2018. – ص. 160-177؛ فريد لي قوانغبين. ديوان لغات الترك: أول معجم للتركية العربية قبل ألف سنة. – مصر، 2007؛ أحمد عبد الوهاب الشرقاوي. اللغة العربية في الدولة العثمانية. – مصر، 2017؛ زهراء معاذ. تاريخ اللغة التركية القديم والحديث. – تركيا، 2017.

Асардаги шеърлар тематикаси, бадий хусусияти ҳамда вазни юзасидан И.Стеблева, турк олимларидан К.Рифъат, А.Элове, Р.Арат, З.Кўркмаз, А.Эржиласун, Ў.Акбулак, Д.Кайа, эронлик олим Хусайн Муҳаммадзода, америкалик олимлардан Р.Данкофф, Ж.Келли тадқиқотлар олиб боришган⁵.

Ўзбек тилшунослигида А.Фитрат, Н.Маллаев, Қ.Каримов, Б.Валихўжаев, А.Қаюмов, А.Хайитметов, А.Абдурахмонов, Х.Дадабоев, А.Алиев, Қ.Содиқов, Н.Раҳмонов, М.Хайруллаев, М.Жўраев, И.Ҳаққул, М.Маматқулов, Д.Ражабов, М.Раҳимжоновлар ҳам бу соҳада тадқиқотлар яратдилар⁶.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Мумтоз шарқ адабиёти ва манбашунослиги» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган шеърларнинг матн хусусиятлари ва талқини масалаларини очиб беришдан иборат.

⁵ Стеблева И. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – Москва: Наука, 1971; Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. – Москва: Наука, 1976; К анализу типа повествования в поэтических текстах из «Диван лугат ат-турк» Махмуда ал-Кашгари // *Turcologica*. К семидесятилетию академика А.Кононова. – Ленинград: Наука, 1976. – С. 319-324; Тюркская поэтика. Этапы развития VIII-XX вв. – Москва: Восточная литература, 2012; Elove A. *Divanü Lugatit – Türk teki halk şiirleri // Türkün*, 1936. – № 6. – S. 54-59; – №7. – S. 65-72; – №8. – S. 65-72; *Türkün*, 1937. – №9. – S. 1-8; – №10. – S. 32-40; – №11. – S. 29-38; Korkmaz Z. *Kâşgarlı Mahmud ve divanu lûgati't türk // Türk Dili Üzerine Araştırmalar*. – Ankara, 1995. – S. 254-260. Ercilasun A. *Dîvânü lugâti't-türk'teki şiirler ve atasözleri*. – İstanbul: Bilge Kültür Sanat, 2020; Akbulak Ö. *Divanü lûgat-it-türk'te geçen su ile ilgili terimler üzerine bir inceleme // The Journal of Academic Social Science*. Yıl: 3, Sayı: 9, Mart 2015. – S. 385-410; Arat R. *Eski türk şiiri*. – Ankara: Türk tarihi kurumu basımevi, 1991; Kaya D. *Divanü lûgati't-türk'teki şiirler hece ölçülü mü aruz ölçülü? // Türk Kültürü Araştırmaları Dergisi*. – №2. – Ankara, 2016. – S. 13-22; – تیریز: – تألیف: دکتر حسین محمدزاده صدیق. – اختر، ۱۳۸۶. – ص. 5-18. *Maḥmūd al-Kāşgarī. Compendium of the turkic dialects (Dīwān Luḡāt at-Turk)*. Edit and Translated with Introduction and Indices by R.Dankoff, J.Kelly. Part I-III. – Harvard, 1982, 1984, 1985.

⁶ Фитрат А. Танланган асарлар. 5 жилдик. 4 жилд. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Тошкент: Маънавият, 2006; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976; Каримов Қ. Қадимги туркий тил луғати (X–XII асрлар). – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Қаюмов А. ва бошқалар. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Тошкент: Ёзувчи, 2000; Хайитметов А. О древней поэзии тюрков (по материалам «Дивани луғатит турк» Махмуда Кашгари) // Советская тюркология. – Баку, 1972. – №1. – С. 123-129; Қадимги туркий шеърият ҳақида // Ҳаётбахш чашма. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б. 138-149; Абдурахмонов А. Туркий халқлар оғзаки ижоди (Энг қадимдан исломгача бўлган давр). – Самарқанд: СамДУ, 2004; Дадабоев Х. «Девону луғатит турк»нинг тил хусусиятлари. – Тошкент: ТошДШИ, 2017; Алиев А., Содиқов Қ. «Девону луғати-т-турк»да кечган *yelkin~elkin* сўзи ва унинг шеърий узиндилардаги семантикаси // «Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги» мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция тўплами. – Тошкент: ТошДШИ, 2014. – №2. – Б. 24-28; «Девону луғати-т-турк» ва унинг ўзбек тилшунослиги тараққиётидаги ўрни // *Sharq mash'ali*, 2014. – №2 (46). – Б. 15-19; «Девону луғати-т-турк»да асарида келтирилган лирик шеърлар семантикасига бир боқиш // «Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги» мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция тўплами. – Тошкент: ТошДШИ, 2016. – Б. 19-28; Содиқов Қ. Ўзбек адабий тили тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994; Rahmonov N., Sodiqov Q. *O'zbek tili tarixi*. – Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2009; Раҳмонов Н. «Девону луғоти-т-турк» – адабий манба сифатида // «Девону луғоти-т-турк» – туркий халқларнинг ноёб ёзма ёдгорлиги мавзуидаги халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2018. – Б. 54-66; Хайруллаев М. Маҳмуд Қошғарий // Маънавият юлдузлари. – Тошкент: Халқ мероси, 2001; Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009; Ҳаққул И. Ўзбек адабиётида рубойи. – Тошкент: Фан, 1981; Маматқулов М. Қадимги туркий адабиётда жанрлар поэтикаси. Филол.ф.н... дис. – Тошкент, 2004; Ражабов Д. «Девону луғатит турк»даги адабий парчалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. – №2. – Б. 106-111; Раҳимжонов М. Ўзбек мумтоз лирикасида марсия жанри. Фил.ф.д. (PhD)... дисс. – Самарқанд, 2018.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърий узиндиларни тадқиқ этиш методологиясини ишлаб чиқиш;

илк ислом даври туркий адабиётшунослигида қадимги халқ ижодига муносабат масаласини асослаш;

«Девону луғати-т-турк»даги узиндиларда вариация масалаларини очиб бериш;

туркий рубоий, дostonчилик ва қасида генезиси масалаларини тадқиқ этиш орқали уларнинг илмий ечимларини асослаш;

шеърий парчаларда қўлланган бадий санъатлар ва уларнинг матн стилистикасига таъсирининг услубий омилларини аниқлаш;

шеърий узиндиларда ранглар символикаси ва уларнинг рамзларга айланиш жараёнларини асослаш;

шеърий узиндилардаги поэтик ҳодисаларнинг кейинги давр шеъриятида акс этиши, поэтик анъана масалаларини очиб бериш ҳамда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган шеърлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган шеърий узиндилар семантикаси, матн ва унинг талқини масаласи белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда илмий билишнинг тавсифий, таснифий, анализ, синтез ва қиёсий таҳлил каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Девону луғати-т-турк»нинг араб-мусулмон халқлари ичида кенг ёйилиши учун асарда оят ва ҳадислар мазмунига мос келувчи туркий халқлар оғзаки ижодининг панднома ва жангнома мавзусидаги шеърларидан кенг истеъфода этилгани далилланган;

«Девону луғати-т-турк»даги шеърларда бадийликни ошириш учун ранг билдирувчи сифатлардан фойдаланилган бўлиб, лирик шеърларда *qizil* – «чирой ва гўзаллик»; *qara* – «гўзаллик ва ёшлик», *sariq* – «айрилиқ ва хижрон»; жангнома шеърларда *qizil* – «қайноқлик; жўшқинлик ва жонланиш»; *qara* – «буюклик; куч-қудрат ва ёвузлик»; табиат тасвирига бағишланган кўшиқларда *aq*, *örün* – «поклик ва қут-барака»; *sariq* – «қуёш ва кўклам»; *qizil* – «хурсандчилик ва шодлик»; *yaşil* – «жонланиш ва янгиланиш» рамзи экани аниқланган;

Туркий халқлар оғзаки ижодида вариациянинг юзага келиши вариантдош сўзларнинг қўлланиши, лаҳжалардаги фонетик ўзгачаликлар ($\ddot{u} > i$, $a > \ddot{a}$, $\ddot{a} > e$, $e > u$, $d = \delta$) ҳамда инверсия ҳодисалари билан боғлиқлиги исботланган;

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърий узиндилар мисолида араб ва форс шеъриятидан фарқли ҳолда бармоқ вазнидаги рубоий, қасида ҳамда дoston сингари шеърий жанрлар мавжуд бўлгани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туркий халқлар ёзма шеърятининг ривожланишида туркий халқлар оғзаки ижодининг ўрни, хусусан, «Девону луғати-т-турк»даги шеърларда қўлланилган поэтик, семантик ва стилистик омилларнинг кейинги давр адабиётига таъсири масалалари бошқа манбалар билан қиёсий таҳлил этиш орқали асослаб берилган;

«Девону луғати-т-турк»дан ўрин олган шеърлардаги ранглар символикаси ишлаб чиқилган: хусусан, шеърларда қўлланган *aq, örün, qara, qizil, sarıq* ҳамда *yaşıl (kök)* ранг билан боғлиқ рамзлар асосида туркий оғзаки шеърятдаги ранг билан боғлиқ рамзлар ва уларнинг семантик ҳамда стилистик хусусиятлари ёритилган;

туркий халқлар оғзаки шеърятда вариация ходисасининг юзага келиш омиллари, уларнинг инверсия, лаҳжалардаги фонетик ўзгачаликлар, лексик таркибнинг ўзгариши каби ходисалар билан боғлиқлиги аниқланган;

қадимги туркий халқлар оғзаки ижодида туркий рубоий, қасида ҳамда дoston каби шеърӣ жанрларнинг мавжудлиги, ушбу жанрларнинг айнан туркий поэтик тафаккур, қадимги туркий адабиёт такомилли ва анъаналари таъсирида яратилгани таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация натижаларининг ишончлилиги «Девону луғати-т-турк» асарининг факсимиль нусхаси, асарнинг қўлёзма нусха асосида амалга оширилган нашрлари каби бирламчи манбаларга таянилганлиги, далиллар воситасида асосланганлиги, уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «Девону луғати-т-турк»даги туркий шеърларнинг араб тилидаги талқини ҳақидаги умумий назарияни бойитиши, келажакда ушбу мавзу юзасидан олиб бориладиган тадқиқотлар учун муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши, лексикология, стилистика, таржимашунослик, чоғиштирма тилшунослик соҳаларининг тадқиқот кўламини бойитганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўлга киритилган маълумотлар, материаллар қиёсий типология, назарий грамматика, стилистика, таржима назарияси ва амалиёти, матн лингвистикаси курсларини ўқитишдаги аҳамияти, майдон назарияси бўйича ўқиладиган махсус курсларда зарурий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърлар талқини масалаларибўйича олинган натижалар асосида:

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърлар мазмуни туркий сўзларнинг маъносини изоҳлаш, уларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришда фойдаланилган Қуръони карим оятлари ва ҳадислар мазмунига мос келиши бўйича олинган илмий ютуқлар буюртма асосида тайёрланган «Имом Термизий» ва «Адиб Собир Термизий» каби китоблар мазмунига сингдирилган (Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази 2021 йил 04 майдаги 01-07/82-сон далолатномаси). Натижада «Девону луғати-т-турк»да келтирилган

шеърӣй парчалар Қуръон оятлари билан ўзаро қиёсланиб, ХІ асрга келиб, туркий халқлар ҳаётида ислом динининг мавқеи анча кучайгани ва унинг бадиий адабиётга таъсири масалалари ҳақида ўқувчиларда кўникма ҳосил қилиш учун муҳим аҳамият касб этган;

«Девону луғати-т-турк»даги шеърларда қўлланилган ранглар мазмуни билан боғлиқ илмий хулосалардан ОТ-Ф1-71 «Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этнолингвистик вазият» мавзуидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2781-сон маълумотномаси). Натижада ушбу илмий хулосаларнинг келтирилиши ўрта асрларда Марказий Осиёдаги туркий халқларнинг жойлашуви ва бу даврдаги этно-лингвистик вазиятни очиб беришга хизмат қилган;

узиндиларда вариацияларнинг юзага келиши инверсия, лаҳжалардаги фонетик ўзгачаликлар, лексик таркибнинг ўзгариши каби ҳодисалар билан боғлиқлиги бўйича чиқарилган илмий хулосалар Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида давлат илмий-техника дастури доирасида 2017-2018 йилларда бажарилган ПЗ-2016-0911134349 рақамли «Девону луғати-т-турк» асарининг рус тилига таржимасини нашрга тайёрлаш ва нашр қилдириш» мавзуидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2021 йил 29 апрелдаги 3/1255-1254-сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида «Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърларнинг русча таржимасини тўғри амалга оширишда мазкур диссертация ишидаги парчаларнинг ўқилиши, талқини ҳамда семантикасига оид илмий далиллар таржима сифатини оширишга хизмат қилган;

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърӣй парчалар бадиияти, улардаги ранг билан боғлиқ рамзлар, туркий халқлар оғзаки ижодининг туркий ёзма адабиётга таъсири каби натижа ва материалларидан «O‘zbekiston tarixi» телеканалида эфирга узатилган «Тақдимот» ва бошқа туркум кўрсатувлар сценарийсини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадио-компаниясининг 2020 йил 13 февралдаги 02-40-357-сон маълумотномаси). Натижада фойдаланилган материаллар эфирга узатилган телекўрсатувларнинг мазмун-моҳиятини бойитган ҳамда илмий далилларга бой бўлишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган илмий адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 129 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижалар асосида тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «Девону луғати-т-турк»даги шеърий узиндиларни тадқиқ этишнинг илмий-назарий асослари» деб номланиб, унда диссертациянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, «Девону луғати-т-турк» асарида келтирилган шеърий узиндиларни тадқиқ этиш методологияси, илк ислом даври туркий адабиётшунослигида қадимги халқ ижодига муносабат масаласи ҳамда шеърлардаги вариация ҳодисаси каби масалалар тадқиқ этилган.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк» асарини араб тилида ёзиб, туркий тил грамматикасини илк бор араб тилшунослиги методологияси асосида тушунтириб берган. Бу орқали у асарнинг бутун илм дунёсига етиб боришини мақсад қилган эди. Араб тилида ёзилган «Девону луғати-т-турк» асари илк турк-ислом муҳити, маданияти, илм-фанининг ёрқин намуналаридан биридир.

Асарда туркий сўзлар маъносини очиқлаш учун халқ оғзаки ижоди намуналари: мақол, матал ҳамда шеърий узинди⁷лардан мисоллар келтирилган. Асардаги шеърий парчаларнинг умумий сони 253 та бўлиб, уларнинг тўрттаси арабча, қолганлари туркий. Шундан 12 та туркий шеър икки мартадан қўлланган.

Шу вақтга қадар «Девону луғати-т-турк»даги шеърий узиндилар А.Фитрат, Н.Маллаев, И.Стеблева, К.Броккельман, Т.Текин, З.Кўркмаз, Р.Данкофф ва Ж.Келлилар томонидан тематик гуруҳларга таснифланиб ўрганилган.

Шу пайтгача яратилган тематик таснифлар бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, Фитратнинг таснифида шеърий узиндилар ўзаро бириктирилиб, катта-катта шеър сифатида келтирилган ҳамда шу асосда тематик гуруҳларга ажратилган. Асарнинг инглизча таржимасида ҳам айна шу усулга эргашилган. Н.Маллаев ўз таснифида «Алп Эр Тўнга марсияси»га тўхталган эмас. К.Броккельман эса, маиший мавзудаги шеърларни қайд этмаган. Т.Текин эса, ўз таснифида «Девону луғати-т-турк»даги шеърларни вазн нуктаи назаридан икки қисмга (аруз ва бармоқ вазнларидаги шеърларга) бўлиб, уларни тематик жиҳатдан туркумлаштирган.

«Девону луғати-т-турк»да келтирилган узиндиларни қуйидаги тематик гуруҳларга ажратиш тўғри бўлади: (1) жанг тасвирига бағишланган шеърлар; (2) марсиялар (Алп эр Тўнга марсияси, Қахрамон хотирасига айтилган марсия); (3) пандномалар; (4) лирик шеърлар; (5) табиат тасвирига бағишланган шеърлар

⁷ Узинди – шеърдан ажратиб олинган бўлак, парча.

(бахор ҳақидаги қасида); (6) мунозаралар («Қиш ва Ёз» ҳамда «Тўй» мунозараси); (7) ов кўшиқлари; (8) мактов шеърлари (алқовлар); (9) воқеалар тасвири берилган шеърлар; (10) дoston парчалари; (11) ўйин-кулгу кўшиқлари; (12) маълум бир ижтимоий қатламга оид парчалар; (13) маросим кўшиқлари; (14) малика мадҳи.

«Девону луғати-т-турк»да Маҳмуд Кошғарий *ötüg* – «ҳикоя» (ДЛТ, 78)⁸, «эртак»; *saw* – «оталар сўзи, мақол» (ДЛТ, 375); *qoşuğ* – «шеър, кўшиқ, қасида» (ДЛТ, 151); *yür* – «ғазал, нағма» (ДЛТ, 371); *küg* – «мақом» (ДЛТ, 368) каби жанр номларини қайд этган. Лекин бундан қадимги туркий адабиётда фақатгина шу жанрлар бўлган, деган хулосани чиқармаслик керак. «Девону луғати-т-турк»да келтирилган шеърлий узиндилар ичида яна рубоий, марсия, мунозара, фахрия, қасида, дoston сингари жанрлар ҳам учрайди. Шу маънода, қадимги туркий адабиёт араб ва форс адабиёти жанрлари таъсиридан олдин ҳам такомиллашган жанрлар тизимига эга бўлгани намоён бўлади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «Маҳмуд Кошғарий келтирган оят ва ҳадислар талқини масаласи» деб номланиб, бу фаслда асарда келтирилган оят ва ҳадислар таҳлилга тортилган.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғати-т-турк»да туркий тил қоидаларини, сўзларнинг маъносини изоҳлашда, уларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришда араб тили қоидалари, унинг фонетик жиҳатлари, сўзларнинг маъноларига ҳам муурожаат қилади. Туркий мисолларни ана шулар билан чоғиштиради. Араб тилидан келтирилган мисоллар орасида Қуръони карим оятлари ва ҳадислар ҳам бор.

Асарда оятлар икки мақсадда: бирор грамматик қоида ва унинг қўлланишига мисол тариқасида ёки бирор сўз маъносини тўлиқроқ очиб бериш учун келтирилган. Масалан, Маҳмуд Кошғарий туркий тилдаги *anda* олмошининг маъноси ва қўлланиш ҳолати, ўринларини изоҳлар экан, ёзади: *anda* – «у ерда». Ўғузлар «сўнг» маъносидаги сўз учун *alif* ни *nün* га алмаштирадилар. «У ерда» маъносида бошқалар билан бир хилда *anda* деб ҳам қўллайдилар.

Alif ни *nün* га алмаштириш араб тилида ҳам бор. Чунки Қуръонда Мусо алайҳиссалом ҳикоясида *وما رب العالمين* иборасидаги *ما* *ta* сўзи *من* *tan* маъносидадир. Яъни, *ما* *ta* ўрнида *من* *tan* келмоқда. Чунки араб тилида «нима?» маъносидаги сўроқ олмоши жонлиларга *tan*, жонсизларга *ta*. Шунингдек, *لَنْسَفَعًا بِالنَّاصِيَةِ* – «пешонасидан шиддатла тутамиз» (Қуръони карим. Алақ сураси, 15-оят)⁹ деган оятда ҳам *alif nün* га алмашгандир (ДЛТ, 65).

Туркий халқларнинг жангнома шеърларида ислом ғоялари билан уйғун қарашлар мавжуд эди. Буни қуйидаги мисолдан кўриш мумкин:

Qiqrip atig kemšalim, Qaynar yana yumšalim,
Qalqan söñün cömšalim, Qatgi yaği yuwilsun (ДЛТ, 176).

⁸ ДЛТ – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017.

⁹ Оятларнинг ўзбек тилидаги таржимаси қуйидаги манбадан олинди: Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2019.

Ушбу парчадан кўринадикки, туркийларнинг жанговар юришларида исломда тараннум этилган «кечиримли бўлиш», «сулҳ маъкул» ғоялари: *وَإِنْ جَنَحُوا* *لِلسَّلْمِ فَاجْنَحْ لَهَا وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ* яъни «Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, Сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккал қилинг! Албатта, У эшитувчи ва билувчидир» (Қуръони карим. Анфол сураси, 61-оят) амалда бўлган, ярашиш сўралса, сулҳ тузилган.

«Девону луғати-т-турк»даги шеърларда баён этилган *Täñri* ислом дини ақидасидаги ёлғиз «Аллоҳ»га мос келади. Масалан:

Täñri ažun törütti, Yulduzlarî çürgäšip,
Çiğri id (ediz?) teziginür. Tün kün üzä yörgünür (ДЛТ, 303).

Қадимги туркий халқлар қарашларида *Täñri* оламни яратгани, унинг шериги йўқлиги баён этилган.

Маълумки, халқ кўшиқлари турғун эмас, балки «оқим ҳолатида» яшайди. Бу, биринчи навбатда, халқ оғзаки ижодининг кенг минтақага ёйилгани билан изоҳланади. Туркий тилнинг турли ўлкалардаги ўзига хосликлари, шевалар, халқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Биринчи бобнинг учинчи фасли шеърлардаги вариация ҳодисаси таҳлилига бағишланган. «Девону луғати-т-турк»даги узиндиларда вариациянинг қуйидаги кўринишлари учрайди: (1) унли товушлар алмашинуви; (2) ундошлар алмашинуви; (3) вариантдош сўзларнинг қўлланиши; (4) инверсия.

(1) *Унли товушлар алмашинуви*. Шеърларда энг кўп учровчи вариация бу шевага хос сўзларда унли товушларнинг ўзгаришга учраши билан боғлиқ. Бунда *ü>i, a>i, ä>e, e>u* сингари фонетик ҳодисалар кузатилади:

Erän alpî oqıştılar, Qamuğ tolmun toquştılar,
Qıñır köziin / közin baqıştılar, Qılıç qınqa kücün siğdi (ДЛТ, 86).

(2) *Ундошлар алмашинуви*. Асардаги узиндиларда ундош фонемаларнинг ўзгариши бу, асосан, туркий шевалар ўртасидаги фонетик ўзгачаликлар асосида юзага келган. XI–XIV асрларда қадимги [d] билан ёнма-ён [ð] ҳам қўлланган¹⁰. Ушбу фонетик ҳодисани қуйидаги парчада кўриш мумкин:

Keldi esin esnäyü, Kirdi bodun qusnayu,
Qadqa tügäl üsnäyü. Qara bulit kökräšür (ДЛТ, 275).

Ушбу парча бошқа бир ўринда қайтарилганда *بدن bodun* сўзи *بدن bodun* (ДЛТ, 373) шаклида ёзилган.

(3) *Вариантдош сўзларнинг қўлланиши*. Вариациянинг ушбу тури кўпроқ бирор шевага хос сўзнинг қўлланишида ёки бир сўз бошқа ерда бошқа сўз ёки жумла билан алмашилиб келишида кузатилади. Қуйидаги парчада *tüšlätti* сўзининг *tüšläniür* ҳамда *tüš qilur* каби бир хил маъноларни англатувчи икки хил шакли қўлланган: *u* унлиси ёрдамида сўз маъносида ўзгариш юз берганини кўриш мумкин:

Aqturur közüm yolaq,
Tüšläniür ördäk, yuğaq.

¹⁰ Sodiqov Q. *Turkiy til tarixi*. – Toshkent: ToshDSHI, 2009. – B. 126.

Маъноси: Кўзларимнинг ёши булоқ сингари оқади, ҳатто унда ўрдак каби сув қушлари йиғилади, шўнғишади (ДЛТ, 99).

Aqturur közüm yulaq,
Tüş qilur ördäk, yuğaq.

Маъноси: Кўзимдан оққан ёш сувлари жилғаларга айланмоқда. Унда ўрдак ва бошқа сув қушлари кўнаётир (ДЛТ, 329).

(4) *Инверсия*. Бир ўриндаги сўз ёки жумла бошқа ўринда унинг синоними ёки бошқа жумла билан алмашади. Бу шеърӣй матн ёзиб олинган минтақа билан боғлиқ ҳолда юзага келган дейиш мумкин:

Erdi aşin taturğan, *Oğraq süsin qaytarğan,*
Yawlaq yağig qacurğan. Basti ölüm axtaru (ДЛТ, 203).

Бошқа ўринда эса, бу узинди қуйидагича келади:

Erdi aşin taturğan, *Boynin tutup qadirğan,*
Yawlaq yağig qatarğan. Basti ölüm ağtaru (ДЛТ, 229).

Ушбу парчаларнинг учинчи мисрасида шаклан бошқа-бошқа – «душманни енгувчи», «ёв устидан ғалаба қозонувчи» маъноларидаги *oğraq süsin qaytarğan* – «ўғрақ қўшинини қайтарадиган» ҳамда бошқа ўринда *boynin tutup qadirğan* – «бўйнини тутиб қайирадиган» жумлаларидан фойдаланилган. *Alp Er Toğa* га бағишланган ушбу марсиянинг бошқа бўлақлари киритилмаган. Бундан тахмин қилиш мумкинки, узиндида алпнинг ўғрақ қўшини билан бўлган жангдаги қаҳрамонлиги ҳақида сўз юритилмоқда. Шу боис иккинчи парча ҳам халқ ичида кенг истеъмолда бўлган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, узиндилар таркибидаги вариация ходисаси тадқиқи қабилалар тили ўртасидаги фонетик ўзгачаликлар, сўз қўллаш билан боғлиқ фарқлар тўғрисида хулоса чиқариш учун хизмат қилади.

«Маҳмуд Кошғарӣй келтирган шеърлар ва қадимги турк шеърӣяти генезиси» деб номланган иккинчи бобда туркий халқлар оғзаки ижоди мисолида туркий рубоӣй, дoston ҳамда қасида жанрларининг тарихий илдизлари тадқиқ этилган.

Рубоӣй жанри араб, форс ҳамда туркий мумтоз адабиётларининг етакчи жанрларидан бири саналади.

Адабиётшуносликда рубоӣй жанри тарихи ҳақида сўз юритган айрим олимлар унинг туркий адабиётда шаклланишини ташқи таъсирларга, хусусан, форс адабиёти таъсирида юзага келганини таъкидлайдилар.

Таъкидлаш ўринлики, туркий адабиётда рубоӣй форс адабиётининг таъсиридагина шаклланиб қолгани йўқ. Мазкур жанрнинг туркий адабиётда мустаҳкам қарор топишида қадимги туркий адабиётнинг таъсири катта; унинг юзага келишига халқ оғзаки адабиётида яратилган тўртликлар асос бўлиб хизмат қилди. Туркий рубоӣйнинг илк намуналари бармоқ вазнида яратилган бўлиб, уларнинг илдизлари қадимги туркий адабиётга бориб туташади.

Бармоқ – туркий халқлар шеърӣятида кенг тарқалган шеърӣй вазнлар тизими, сўзлашувда ва илмӣй муомала амалиётида «бармоқ», «бармоқ вазни», «бармоқ системаси», «бармоқ тизими» каби шаклларда ҳам ишлатилади.

Бармоқ туркий тилларнинг табиати, фонетик хусусиятларига тўла мос келади¹¹. Шу сабабли халқ оғзаки ижоди намуналари, асосан, бармоқда яратилган.

«Девону луғати-т-турк» даги тўртликлар, асосан, бармоқ тизимида:

Aw+lap+me+ni / qou+ma+ñiz // A+qar+kö+züm / uş+te+ñiz //
A+yüq+a+yüp / qay+ma+ñiz // Teg+rä+yü+rä / quş+u+çar (ДЛТ, 221).

Ушбу шеър бармоқ тизимидаги 4+3 вазнига тўғри келади.

Асарда шундай тўртликлар ҳам мавжудки, улар шу туришида мустақил шеърдир. Буни кўпроқ лирик мазмундаги шеърларда учратамиз. Бундай шеърларда маъшуқа васфи билан бирга, май «ҳаёт завқи», «шоду хуррамлик» рамзи сифатида келади. Май – дунёни севиш, дунё ранжларини, ёмон инсонлар аламини унуттирадиган восита сифатида рубоий жанрига оид шеърларда кенг қўйланган. Бунинг илк куртаклари эса, «Девону луғати-т-турк» асаридаги парчаларда учрайди:

Ottuz içip qıqralım, Arslanlayu kökrälim,
Yuqar qopup sekrälim. Qaçti saqinç, sewnälim (ДЛТ,71).

(1) *тезис* – унда рубоийда айтилмоқчи бўлган фикр, бошқача айтганда, рубоий мавзуси баён қилинган бўлади; (2) *антитезис* – бунда биринчи мисрага қарама-қарши фикр айтилади; (3) *моддаи рубоий* – тўртинчи мисрада айтилмоқчи бўлган фикр учун кўприк вазифасини ўтайди; (4) *синтез* – хулоса¹².

Бармоқ тизими туркий халқлар қадим адабиёти давридаги шеърларни қамрайди. Туркий рубоий ўзининг дастлабки ривожланиш босқичини бармоқ вазнидан бошлаган. Кейинчалик, шеърларда аруз тизими устунлик қилган.

Ушбу бобнинг иккинчи фаслида туркий дostonчиликнинг тарихий илдизлари масаласига бағишланган. «Девону луғати-т-турк» асарида халқ дostonларидан олинган узиндилар ҳам келтирилган. Уларнинг катта қисми жангнома, яъни қахрамонлик дostonларидир. Бундай дostonларда инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик каби фазилатлар қўйланади.

«Девону луғати-т-турк»да туркий халқларнинг мардлиги ва жасоратидан сўзловчи жангнома парчалар анчагина. Бундай шеърлар адабиётимиз тарихида *ражаз* деб аталади¹³. И.Стеблева асардаги жангнома шеърларни қўйидаги гуруҳларга бўлган: (1) тангутлар билан жанг; (2) уйғурлар билан бўлган жанг тасвири; (3) ябакулар билан бўлган жанг тасвири (бу туркум шеърлар икки гуруҳга бўлиб берилади. Бунга сабаб парча охиридаги сўз қофияси билан боғлиқ); (4) жанг тасвири шеърлари¹⁴.

Жангнома шеърларнинг катта қисми халқ дostonларидан олинган парчалардир. Жангнома дostonлардан олинган парчаларда халқ ичидан чиққан паҳлавон йигитлар улуғланиб, беқиёс куч-қудрати таърифланади. Бу парчалар

¹¹ Қуроноф Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. – Б. 46

¹² Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Тошкент: Tamaddun, 2016. – Б. 68.

¹³ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 58.

¹⁴ Стеблева И. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. – Москва: Наука, 1976. – С. 204-209.

орқали биз қадимги туркийларнинг жанговар руҳи, жангчининг интизоми, қатъияти каби фазилатлари билан танишамиз.

«Девону луғати-т-турк»даги куйидаги парчаларга ҳаётий воқеаларнинг куйланиши, маълум ижтимоий қатлам муаммоларининг тилга олинishi билан илк туркий дostonчиликнинг намуналари сифатида қараш мумкин:

Qanča bardîñ ey oğul? Attîñ emdi sen tönül,
Erdirîñ munda inç amul. Qıldirîñ ersä qılmağû (ДЛТ, 43).

«Девону луғати-т-турк»даги айрим шеърӣй парчаларни И.Стеблева маълум бир шеърӣй дostonга бирлаштиради¹⁵. Бу туркумга «Алп Эр Тўнга марсияси» ҳам киритилган.

Туркий дostonчиликнинг тарихига назар ташласак, халқ оғзаки ижоди намуналари ичида илк дoston куртаклари бармоқ вазнида яратилганини кўриш мумкин. Ислом таъсири ва ўзаро маданиятлар алмашинуви натижасида эса, аруз вазни ҳам аста-секинлик билан туркий оғзаки шеърӣятга ўз таъсирини ўтказган. Буни асарда келтирилган аруз вазнидаги парчаларда ҳам кўриш мумкин.

Туркий оғзаки ижод намуналари ичида дostonларнинг узиндилари ҳам учрайди. Бу нарса туркий дostonчиликнинг генезиси милoddан аввалги даврларда яратилган туркий халқлар оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалишини кўрсатади.

Асарда табиат тасвирига бағишланган узиндилар орасида кўкламни мадҳ этувчи парчалар ҳам мавжуд ва улар туркий қасиданинг илк намунасиدير. «Девону луғати-т-турк» асаридаги баҳор ҳақидаги қасидага келсак, насиб (ташбиб) қисми йўқ. Бундай қасида мумтоз адабиётда *қасидаи мужаррад* (оддий, содда) ёки *маҳдуд* (чегараланган) деб аталади.

Қасиданинг марказида баҳор фасли туради. Унда баҳорнинг жамики яхши сифатлари халқона тилда куйланади:

Türliğ çeçäk yazildi, Uçmaq eri körüldi,
Barçîn yadîm kerildi. Tumluğ yana kelgüsüz (ДЛТ, 60).

Қасида *a-a-a-b* шаклида қофияланувчи 14 та тўртликдан иборат.

Кейинги давр қасидаларидан фарқли равишда, «Девону луғати-т-турк»да келтирилган ушбу қасида бармоқнинг 4+3 вазнидадир. Бу эса, туркий халқлар оғзаки ижодидаги яна бир ўзига хосликни намоён этади. Мана мисоли:

Tür+liğ+çe+çäk / ya+zil+di// Uç+maq+ye+ri / kö+rül+di//
Bar+çîn+ya+dîm / ke+rîl+di// Tum+luğ+ya+na / kel+gü+süz.

Асарда келтирилган баҳор ҳақидаги қасидадан маълум бўладики, туркий халқлар табиатга ўзгача меҳр билан муносабатда бўлган. Бу қасидада учровчи мажозий тасвирлар, ташбиҳлар, истиоралар, жонлантириш ва енгил кинояларда ўз аксини топган. Уни ўқиганда чорвадор турклар ҳаёти, фаолияти, табиий муҳит кўз олдингизда яққол гавдаланади.

Учинчи боб «Девону луғати-т-турк»даги **шеърлар лингво-поэтикаси**» деб номланиб, унда асарда келтирилган узиндилар стилистикаси ҳамда

¹⁵ Бу ҳақда қаранг: Стеблева И. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. – Москва: Наука, 1971.

бадиияти, улардаги ранг билан боғлиқ рамзлар семантикаси, оғзаки адабиёт анъаналарининг ёзма адабиётга таъсири каби масалалар тадқиқ қилинган.

Айнан, халқ оғзаки ижоди намуналарида кейинги давр ёзма адабиёти учун манба вазифасини ўтаган гўзал ташбих, тажнис, ирсоли масал, таносуб, муболаға, истиора каби бадиий санъатлар қўлланган. Бунинг исботи сифатида «Девону луғати-т-турк» асаридаги узиндиларни келтириш мумкин. Шу жиҳатдан, асардаги парчаларда мумтоз адабиётимиздаги анъанавий ташбих, тазод ва истиораларнинг ўқ илдизларига дуч келамиз.

Ташбих. «Сўз санъат даражасига кўтарила борганда пайдо бўлган биринчи санъат – ташбих»дир¹⁶. «Девону луғати-т-турк»даги лирик ва ов тасвирига бағишланган парчаларда, асосан, воситасиз ташбих, жангнома ва панднома кўшиқларда воситали ташбих кўп учрайди:

Yelwin anīñ közi, Tolun ayīn yūzi,
Yelkin anīñ özi. Yardi meniñ yüräk (ДЛТ, 334).

Шеърый парчада ёрнинг қадам босиб, ошиқ олдидан ҳар маҳал ўтиб туриши гўё *мусофирга* ўхшатилади. Бу ўринда маҳбубанинг кўнимсизлиги, дийдорини жуда оз фурсат кўрсатишига ишора бор.

Панднома ва жангнома шеърларда ташбих ҳосил қилишда *kibi* ёрдамчи сўзи ҳамда *-layu*, *-läyü* кўшимчаси фаол иштирок этган. Мисол учун:

Öpkäm kelib oğradīm, Alplar başın toğradīm,
Arslanlayu kökrädīm, Emdi meni kim tutar (ДЛТ, 63).

Асардаги узиндиларда *музориъ тажнис* ҳамда *тажниси том* кенг қўлланган. Мисол учун:

Qatunsīnī çoğiladī, Qanī aqīp yağiladī,
Tañit begin yağiladī. Boyun suwīn qizil sağdī (ДЛТ, 432-433).

Парчадаги *yağiladī* сўзлари ўзаро тажниси том бўлиб келган. Иккинчи мисрада *yağiladī* – «душман билди», учинчи қатордаги *yağiladī* – «жанг қилди» (ДЛТ, 434) маъносида келиб, шаклдошлик ҳосил қилган. Ушбу узиндида қўлланган *yağiladī* сўзи парчага бадиийлик бахш этиши билан бирга, шеър оҳангдорлигини оширишга ҳам хизмат қилган.

